# Тошкент ҳақиқати

• № 37 (10.614).

1994 йил 28 май шанба

Сотувда эркин нархда

1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН НАШР ЭТИЛМОҚДА.

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

ЧОРШАНБА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.


# ҚАРДОШЛИК ТАНТАНАСИ




*Республикамизда ўтган Қозоғистон кунлари икки халқ, икки давлат тарихида муҳим воқеа сифатида қайд этилса ажаб эмас. Бир ҳафта мобайнида Ўзбекистон пойтахти — Тошкентда, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказида, юртимизнинг шаҳар-қишлоқларида дўстлик, биродарлик, қон-қардошлик тантаналари ўзгача файзу тароват билан давом этди.*

*Қардошлик анжуманлари, ўзаро борди-келдилар, адабиёт ва санъат декадалари собиқ СССР салтанати даврида ҳам кўп бўлган. Дўстлик, қардошлик, қондошлик борасидаги сўзларни ҳам хўп эшитганмиз. Аммо, икки халқ вакилларидаги бу қадар ҳамжиҳатлик, бу қадар самимият ва иliқликни энди кўришимиз. Бу кунлар ҳар иккала халқ учун ҳам, ўз биродарини, ўз қардошини қайтадан таниш, англаш онлари бўлди. Негаки, аввалги қардошлик анжуманларидан фарқли ўлароқ, бу галги дўстлик маросимлари ҳар иккала давлатнинг мустақиллиги ва эгаменлиги шароитида ўтди. Шу боис, улар фақат халқларимизнинг маънавий, руҳий алоқалари билан эмас, балки икки халқ вакилларининг иқтисодиёт, тадбиркорлик, ишбилармонлик борасидаги фикр алмашувлари, икки давлат раҳбарларининг ўзаро муносабатларга доир учрашув ва суҳбатлари билан ҳам айрича аҳамият касб этди. Анжуман кунлари икки томонлама муҳим ҳужжатлар ҳам имзоланди. Хуллас, республикамизда ўтган Қозоғистон кунлари икки халқ, икки давлат муносабатларини янги босқичга кўтарди, чинакамига қардошлик тантанасига айланди.*

*27 май куни "Туркистон" саройида Ўзбекистонда Қозоғистон Республикаси кунларининг ёпилишига бағишланган тантанали маросим бўлди. Уни мазкур анжуманни ўтказиш республика ташкилот қўмитасининг раиси, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков кириш нутқи билан очди.*

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистонда Қозоғистон Республикаси кунлари қатнашчиларининг бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисидаги Фармонини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев ўқиб берди. И. Жўрабеков унвон ва фахрий ёрлиқ соҳибларини самимий қутлаб, мукофотларни топширди.*

*Республика Бош вазирининг ўринбосари М. Қорабоев Ўзбекистонда Қозоғистон кунлари муносабати билан ўтказилган тадбирлар ҳақида ахборот берди. Қозоғистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Т. Абулсеитов Ўзбекистонда Қозоғистон кунлари катта муваффақият билан ўтганини таъкидлаб, ўзбек заминида кўрсатилган иззат-икром учун ўзбек халқига, Ўзбекистон Президентига миннатдорлик билдирди.*

*Ўзбекистон Президенти Фармони билан мукофотланганлар номидан сўзга чиққан Қозоғистон халқ артисти Т. Жамонқулов ўзбек, қозоқ халқларининг азалий дўстлиги, хос хусусиятлари ҳақида гапирди. Алоҳида эътибор учун ўзбек халқига, Ўзбекистон Президентига олқишлар айтди.*

*Ўзбекистон халқ шоири Ҳ. Худойбердиева Ўзбекистонда ўтган Қозоғистон кунларининг аҳамияти, қардошлик алоқаларининг абадийлиги хусусида сўзлади.*

*Ўзбекистонда Қозоғистон Республикаси кунларининг ёпилишига бағишланган маросим сўнгида Қозоғистон ва Ўзбекистон санъат усталари иштирокида катта концерт бўлди.*

**ЎЗА**

*Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА,*
*Ўзбекистон халқ шоири*

## ҚОЗОҚ ДЎСТЛАРГА

Биз асли бир онанинг
Эгиз болаларимиз.
Жаҳолатга, қонхўрликка
Бигиз болаларимиз.

Сувимизнинг томчисини
Таҳирлиги, тузи бир —
Империя қамчисининг
Елкамизда изи бор.

Тарихимиз бирдир бизнинг—
Кўз ёшларда чўмилган.
Турон, Рисқул, Чўлпон
Бир ўрага кўмилган.

Шўрпешоналигимизу
Дарду нидомиз бирдир.
Бугун... озод туғимизу
Дину худомиз бирдир.

Не кунларга биз гувоҳмиз,
Бутландик, чил-чил бўлсак.
Шоҳ бўлсак, биз икки
шоҳмиз,
Икки қулмиз, қул бўлсак.

Ўлжас, Роза қозоқ даштин
Саратони, ёзидир.
Алибекнинг асли улкан,
Асли Қурмонғозидир.

Турк тўзиши тўхтади, денг
Айнимаган қон енгди.
Абай, навоийзодалар
Фақат юксалгай энди!

Иншооллоҳ, шундай бўлгай,
Мудом ҳалол томон бўл.
Пешонангдан ўпдим, азиз
Қозоқ оғам, омон бўл!





Суратларда: Ўзбекистонда Қозоғистон кунлари ёпилиши.

**А. ЗУФАРОВ** суратлари (ЎзА).

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### 1994 ЙИЛНИНГ 1 ИЮНИДАН МЕҲНАТ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР ВА СТИПЕНДИЯЛАРНИНГ МИҚДОРЛАРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

1. Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида 1994 йилнинг 1 июнидан бошлаб:

Иш ҳақи ўрта ҳисобда 1,5 баробар оширилсин ва иш ҳақининг энг оз миқдори ойига 70000 сўм-купон миқдорида;

фуқароларнинг солиқ олинмайдиган даромадларининг энг паст даражаси ойига 70000 сўм-купон миқдорида;

ҳозир амалда бўлган барча турдаги пенсияларнинг миқдорлари ўрта ҳисобда 1,5 баробар оширилсин ва меҳнат пенсиясининг энг оз миқдори ойига 75000 сўм-купон қилиб белгилансин.

2. 1994 йилнинг 1 июнидан олий ўқув юртлари талабаларининг, техникумлар ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг стипендиялари ўрта ҳисобда 1,5 баробар кўпайтирилсин.

3. Вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, бюджетдан пул билан таъминланадиган ташкилотлар ва муассасалар, Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий таъминот вазирлиги меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткаси разрядларига мувофиқ пенсиялар, стипендияларнинг ва ходимлар мансаб окладларининг миқдорлари ўз вақтида қайтадан ҳисоблаб чиқилишини таъминласинлар.

4. Бюджетдан пул билан таъминланадиган муассасалар ва ташкилотлар ходимларининг иш ҳақини, пенсиялар ва стипендияларни ошириш билан боғлиқ харажатлар республика давлат бюджети ва ижтимоий суғурта жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплансин.

5. Мулкчилик шаклларидан қатъи назар, хўжалик ҳисобидаги корхоналар ва ташкилотларга мазкур фармонга мувофиқ меҳнат ҳақини даромад манбалари қидириб топилишига қараб, даромад манбалари вақтинча етишмай қолган тақдирда эса банк муассасалари аниқ мақсад учун берадиган кредитлар ҳисобидан ошириш тавсия қилинсин.

6. Ушбу фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1994 йил 26 май

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### ҚЎШИМЧА ҚИЙМАТДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚ МИҚДОРИНИ КАМАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Мулкчилик шаклларидан қатъи назар, республиканинг хўжалик ҳисобидаги корхоналари ва ташкилотларининг иш ҳақини ошириш учун зарур шарт-шароитларни вужудга келтириш мақсадида:

1. 1994 йилнинг 1 июлидан бошлаб қўшимча қийматдан олинадиган солиқ миқдорини 25 фоиздан 20 фоизга камайтириш максадга мувофиқ деб топилсин.

Вазирлар Маҳкамаси амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги таклифларни белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгашига тақдим этсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 13 сентябрдаги 648-сон фармонининг 7-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1994 йил 26 май

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### ЎЗБЕКИСТОНДА ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КУНЛАРИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИНГ БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистонда Қозоғистон Республикаси кунларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда фидокорона меҳнати ҳамда юксак маҳоратини намойиш этгани учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

**"ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ"**

**Баспакова** Жамила — Абай номидаги давлат академик опера ва балет театри солисти

**Мусахўжаева** Оймон — "Солистлар академияси" дастаси бадиий раҳбари, Қозоғистон Республикаси халқ артисти.

**Оразбоев** Собит Кўнирбоевич — М. Авезов номидаги драма театри артисти, Қозоғистон Республикаси халқ артисти.

**Римбоева** Роза Қуанишевна — "Қозоқконцерт" республика бирлашмаси солисти, Қозоғистон Республикаси халқ артисти

**"ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ"**

**Нусипжонов** Нурғали Нусипжонович — Абай номидаги давлат академик опера ва балет театри солисти, Қозоғистон Республикаси халқ артисти

**Усенбоева** Нуржамол Пернебековна — Абай номидаги давлат академик опера ва балет театри солисти, Қозоғистон Республикасида хизмат кўрсатган артист

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАНСИН:**

**Абдукаримов** Оролбой Абдукаримович — Қозоғистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси девони ташкилий ишлар ва маҳаллий маъмуриятлар бўлими мудири

**Аспетова** Гулжон — М. Авезов номидаги драма театри актрисаси, Қозоғистон Республикаси халқ артисти

**Бойгелдиев** Умирбек — Жамбул вилояти маъмурияти бошлиғи

**Ералиева** Мадина — Суюнбой номидаги Алмати вилоят филармонияси солисти, Қозоғистон Республикасида хизмат кўрсатган артист

**Есимов** Гафиз — Абай номидаги давлат академик опера ва балет театри солисти, Қозоғистон Республикаси халқ артисти

**Жамонқулов** Тунгишбой — М. Авезов номидаги драма театри директори, Қозоғистон Республикаси халқ артисти

**Жунусов** Макпал — "Қозоқконцерт" республика бирлашмаси солисти, Қозоғистон Республикасида хизмат кўрсатган артист

**Кожахметов** Султонбек Мирзаҳмедович — Миллий фанлар академияси металлургия ва бойитиш институти директори, Қозоғистон Республикаси Миллий фанлар академияси академиги

**Степанов** Владимир Михайлович — Қозоғистон вабога қарши кураш марказининг директори, Алмати шаҳри

**Тарасова** Инесса — Абай номидаги давлат академик опера ва балет театри солисти, Алмати шаҳри

**Турисбеков** Заутбек Каусбекович — Жанубий Қозоғистон вилояти маъмурияти бошлиғи

**Ўрозғалиев** Раҳим Олмабекович — Қозоғистон Қишлоқ хўжалик фанлари академияси вице-президенти

**Шалабоев** Мурод — Абай номидаги давлат академик опера ва балет театри солисти, Қозоғистон Республикасида хизмат кўрсатган артист

**Шавхаманов** Сеилбек — Қизил Ўрда маъмурияти бошлиғи

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1994 йил 26 май.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### "ВИЗА" ДЕБЕТ ВА КРЕДИТ КАРТОЧКАЛАРИНИ МУОМАЛАГА ЧИҚАРИШНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" 1994 йил 21 январдаги фармонининг ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг ўзининг "VISA" дебет ва кредит карточкаларини муомалага чиқаришни жадаллаштиришга доир қисмини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. 1994 йилнинг 25 апрелида республикада хорижий банкларнинг "VISA" карточкаларига хизмат кўрсатиш дастури бошланганлиги, 14 июндан бошлаб эса Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳамда хорижий мамлакатларда ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг "VISA" карточкаларининг муомалага чиқарилиши ва уларга хизмат кўрсатилиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Чет эл валюталарининг сохта банкнотлари кириб келишига йўл қўймаслик мақсадида белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистонда "VISA" карточкаларининг муомалага киритилиши муносабати билан, мулкчилик шаклларидан қатъи назар, республика корхона ва ташкилотлари, шунингдек, жисмоний шахслар томонидан чет эл валютасидаги нақд пулли тўлов — ҳисоб-китоб операциялари асосан "VISA" карточкалари бўйича амалга оширилади.

Республика вазирликлари, давлат қўмиталари, концернлар, уюшмалар, банк муассасалари, корхоналар ва тижорат тузилмалари чет мамлакатларга доимий равишда бориб турадиган ходимлар учун, белгиланган лимитлар доирасида, хизмат сафарлари харажатлари маблағларидан фойдаланишнинг ташқи иқтисодий фаолият миллий банки томонидан чиқарилган "VISA" карточкалари ёрдамида нақд пулсиз тизимига ўтишни таъминласинлар.

3. "Ўзбексавдо" давлат уюшмаси, "Ўзбекбирлашув", "Ўзбектуризм" миллий компанияси, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси ва эркин муомаладаги валютада хизмат кўрсатувчи бошқа тузилмалар тасарруфларидаги иловага мувофиқ корхона ва ташкилотлар билан ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ўртасида Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳамда хорижий банклар томонидан чиқарилган "VISA" карточкаларини муомалага киритиш бўйича шартномалар тузишни 1994 йилнинг 10 июнигача таъминласинлар.

Маълумот учун қабул қилинсинки, халқаро нормаларга мувофиқ, ташкилот ва корхоналар "VISA" карточкалари бўйича хизмат кўрсатишни хизматлар ва товарлар нархларига операцияларни бажарганлик учун воситачилик харажатларини қўшмасдан амалга оширадилар.

4. Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки манфаатдор идоралар билан биргаликда иловада кўрсатилган ташкилот ва корхоналарни ҳамда "VISA" карточкалари бўйича хизмат кўрсатишда қатнашувчиларни зарур асбоб-анжомлар, жиҳозлар билан таъминласин, уларнинг ходимларини ўқитишни ташкил этсин. Натижаларини 1994 йилнинг 1 августигача Вазирлар Маҳкамасига маълум қилсин.

5. Алоқа вазирлиги Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки талабномаларига биноан тегишли тур ва сифатдаги алоқа каналлари беришни, шунингдек, "VISA" карточкалари бўйича хизмат кўрсатишни ташкил этиш учун телекоммуникация хизматлари кўрсатишни таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки хорижий мамлакатлардаги савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларига "VISA" карточкалари эгаларига улар бўйича хизмат кўрсатиш қоидаларини тушунтиришга доир зарур чора-тадбирларни кўрсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош Вазири ўринбосари У. Т. Султонов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**
**И.КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1994 йил 26 май.

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Қадрли Президент жаноблари, ўтган йил ноябрь ойида Сизни Бирлашган Қироллликда меҳмоним сифатида қутлаганимдан жуда мамнун бўлган эдим.

Сиз билан учрашиш имкониятидан қониқиш ҳосил қилдим ва ташрифингиз шу қадар муваффақиятли ўтганидан жуда хурсандман.

Британияда Ўзбекистонга қизиқиш тобора кучайиб бормоқда, мен бу қизиқишни бундан буён ҳам қўллаб-қувватламоқчиман. Ёдингизда бўлса тушки зиёфат чоғида савдо вакилларини юбориш масаласини муҳокама қилган эдик. Бу вакилларга давлат вазири Тим Эггар бошчилик қилиши ва сизга ушбу мактубни топшириши мен учун кўнгиллидир.

Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиётини янада юксалтиришга қатъий аҳд қилганингизни биламан. Табиат ресурсларидан фойдаланишда Ўзбекистонга кўмаклашиш учун имконияти катта кўпгина Британия компаниялари намоёндалари шу делегация таркибида бор. Масалан, "Лонро", "Трафальгар хаус", "Жи-пи-ти", "Бэбкок", "Барклейз" ва "Ротшильд" каби Британия компаниялари кон-руда саноатида, қурилишда, телекоммуникация, энергетика ва молиявий хизмат кўрсатишда Ўзбекистонда ўз бизнесини янада чуқурлаштириш ниятидадир. "Мередит Жоунс" билан "Фарғона" қўшма корхонасини барпо этиш хусусидаги музокаралар муваффақиятли ўтаётганини ва республикангизда тамаки саноатини ривожлантириш тўғрисида яқинда битим имзоланганини эшитиб хурсанд бўлдим.

Делегация ташрифи чоғида тузилажак савдо ва саноат бўйича Ўзбекистон-Британия кенгаши ўзаро савдо-сотиқнинг ҳамма жиҳатларини муҳокама қилиш учун компанияларимизга бебаҳо имконият беради. Бу кенгаш Сизнинг қўллаб-қувватлашингиздан манфаатдорлигини биламан.

Тошкентдаги элчимиз мамлакатларимиз ўртасида барча соҳалардаги алоқаларни кенгайтираверади, мен эса Ўзбекистонга ташриф буюриш тўғрисидаги эзгу таклифингизни қулай пайтда қабул қилиш имконига эга бўламан, деб умид қиламан.

**Самимий ҳурмат билан, ЖОН МЕЙЖОР,**
**Буюк Британия бош вазири.**

1994 йил 19 май.

## ШАҲАР КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

Халқ депутатлари Янгийўл шаҳар Кенгашининг сессияси бўлди. Унда ташкилий масала кўрилди. Ш. Каримов аризасига мувофиқ шаҳар ҳокими вазифасидан озод этилди. Янгийўл шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари бўлиб ишлаб келаётган Ш. Қорабоев шаҳар ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда Тошкент вилояти ҳокими М. Икромов сўзга чиқди.

**(ЎЗА)**

*• Сўнгги қўнғироқ*

## СИЗЛАРГА ОҚ ЙЎЛ!

Республикамиз мактабларида сўнгги қўнғироқ жаранглади. Юқори синф ўқувчилари қувноқ болалик ва беғам ёшлик билан хайрлашадиган бу байрамга ёхши кийинган ҳолда, гулдасталар билан келишди.

Мактабларда бу байрамга яхши тайёргарлик кўрилган, ўқувчилар азиз меҳмонлар — ота-оналарни хурсанд қилиш учун шеърлар ёдлаган, куй-қўшиқлар тайёрлаган эди. Мактаб билан хайрлашув байрамона руҳда ўтди. Кечаги ўқувчилар энди янги оламга — мустақил ҳаётга қадам қўяди.

Бугун улар мактаб билан хайрлашишди, бироқ эртага бу даргоҳга яна — имтиҳон топширишга келишади. Бу имтиҳон — улар учун янги ҳаёт остонаси олдидаги дастлабки синов ҳамдир. Кўпгина мактабларда имтиҳонлар янгича — тест асосида ўтади, бинобарин, битирувчиларнинг ҳақиқий билимига баҳо берилади.

...Кимдир билимни олий ўқув юртларида давом эттиради, кимдир завод-фабрикада, кимдир далада меҳнат қилишга отланади. Уларнинг барчасига тилагимиз шу: сизларга оқ йўл! Омад ёр бўлсин!

**(ЎзА мухбири).**

# Адабиёт ва санъат

- "Фарғона ҳикояси"дан "Тошболта тижоратчи"гача
- Омониссо Нафисий ким?
- Янги шеърлар

## ИНСОН ҚАЛБИНИНГ МУҲАНДИСИ

*• Ҳамид Ғулом 75 ёшда*



...ТУН алламаҳалга борган. Мовий осмон мусаффо... Юлдузлар чароқлаган. Тўлин ой тепадан ўзининг сахий ва ёруғ нурларини сочиб, устоз Маҳмуднинг бежирим, аммо атрофи дарахтзор ва гуллар чамани билан ўралган боғидаги уч сўрида ўтирган шеърият ва санъат мухлисларини ёритиб турарди. Ўртадаги сўрида чолғучилар устоз Умар раҳбарлигида Омониссахон ўз шеъри билан айтаётган қўшиққа жўр бўлиб куй чалмоқдалар. Ҳамманинг эътибори хонанда, унинг завқланиб айтаётган қўшиғида, товусдай товланиб рақс ижро этаётган гўзал Бодомхонда... Қўшиқ ва рақс айни қизиган пайтда бош вазир Мирза Тоғай ноиблари билан бостириб киради... Навкарлар Бодомхонни банди айлаб, энди олиб кетмоқчи бўлганда, шинавандалар орасида кимлигини сездирмай, ҳамма қатори завқланиб ўтирган Хўтан давлатининг ҳукмдори Абдурашидхон Мирза Тоғайга рўпара келади.

Мирза Тоғай ўзини ноқулай вазиятдан қутқариш мақсадида, шу ондаёқ ҳийла ишлатади.— Бодомхонни у ўзига эмас, гўё Абдурашидхон ҳарамини барно қиз билан бойитмоқчи бўлганини айтади...

Муқимий номли мусиқали театрда таниқли адиб Ҳамид Ғуломнинг пьесаси асосида қўйилган "Муҳаббат навоси" спектакли шу саҳна билан бошланади. Уйғур халқининг асл фарзанди, маърифатпарвар шоира Нафисий (Омониссахон) билан Абдурашидхоннинг тақдири нималар кечади, қандай мусибатлар рўй беради, ниҳоят, уларнинг қисмати нима билан тугайди — буларнинг барчаси асарда ўзининг юксак бадиий ифодасини топади.

Бу асарга қадар Ҳамид Ғулом яна олтита пьеса ёзди. У Шекспирнинг "Ўн иккинчи кеча..." Лопе де Веганинг "Қўзибулоқ", А. С. Пушкиннинг "Тош меҳмон" каби шеърий драмаларини ўзбек тилига ағдарди. Улар фақат Муқимий номли театрда эмас, жумҳуриятимизнинг қатор театрлари саҳнасидан муносиб ўрин олди. Бинобарин, Ҳамид Ғулом — ўзбек миллий драматургиямиз ва театр маданиятимизнинг ривожига катта ҳисса қўшиб келаётган санъаткордир.

Ҳамид Ғулом аввало таниқли ёзувчи ва шоир сифатида шуҳрат қозонган. Бироқ унинг ижодий қиёфаси, истеъдоди, ғоявий ва маънавий қарашлари, ўзига хос бадиий услуби, маҳорати, хуллас, эстетик мезони унинг романлари, достонлари, шеърий тўпламлари билангина эмас, жумладан саҳна асарлари билан ҳам белгиланади. Шунинг учун адиб ижодининг бир қирраси — драматургиясига бир нигоҳ ташлашни ният қилдик.

Воқеликда рўй бераётган ҳодисаларни кузатиб, унда одамни қизиқтирадиган, мушкулини осон қилишга кўмак берадиган муаммоларни қидириб топиш, асар қайси мавзу ва даврдан олинган бўлмасин, ўша замон муҳтини чуқур ҳис этиш ва унга шу кун назаридан ёндошиш, инсон қалбига кириш, дардига қулоқ солиш, қисматига шерик ва ҳамнафас бўлиш, унга маънавий озуқа ва руҳий тасалли бериш, хуллас унинг ҳаёти, кечинмаси билан яшаш — буларнинг барчаси Ҳамид Ғулом ижодини, жумладан драматургиясини белгиловчи омиллар. Яна шуни айтиш ўринлики, унинг аксарият саҳна асарлари ўзининг ғоят латиф лирикага бойлиги, тилининг равон ва ширадорлиги билан к ишини мафтун этади. Бунга асарнинг қайси жанрда ёзилгани ҳам жиддий сабаб бўлган. Чунончи Ҳамид Ғуломнинг олтита пьесасидан бештаси ҳажвия. Бу жанр эса кўпроқ лирикага мойил.

Ҳамид Ғуломнинг қайси асарини олманг, унинг марказида жинси, ёши, касби-коридан қатъий назар, инсон қисмати туради. Масалан 1959 йилда яратилган дастлабки пьесаси —"Фарғона ҳикояси" комедиясида колхоз бекорчиларидан бири Кичкина Хўжа образини бош қаҳрамон сифатида кўрсак, сўнгги, 1990 йилда ёзилган "Муҳаббат навоси" драмасида эса, тарихий шахс Шарқнинг мумтоз шоираларидан Нафисий сиймоси берилган. Ҳар иккаласида ҳам инсон тақдири ўртага қўйилган.

Инсоний фазилатлар ва феъл-атвор жиҳатидан Кичкина Хўжа билан Тошболта образлари ўртасида яқинлик бор. Фарқи Тошболта образи Кичик Хўжага нисбатан ҳар томонлама пухта ишланган. Бу Ҳамид Ғуломнинг драматургик маҳорати такомил топганидан далолат беради. Дарвоқе, Ҳ. Ғуломни "Тошболта ошиқ" комедиясини яратишга ажойиб саҳна устаси Сойиб Хўжаев ижросидаги Кичик Хўжа образи даъват эттан. Шунинг учун муаллиф ушбу асарини шу санъаткорга бағишлаб ёзди.

"Тошболта ошиқ" мусиқали драмаси дастлаб қўйилган даврдан, яъни 1962 йилдан буён то шу асарнинг бош қаҳрамонини моҳирона яратган Сойиб Хўжаев вафотига қадар минг мартадан ортиқ қўйилди. Муаллифнинг юксак драматургик маҳорати ва актёрнинг бетакрор талқини туфайли Тошболта Хўжа Насриддин сингари халқимиз онги ва қалбига сингиб, унинг севимли қаҳрамонларидан бирига айланиб қолди. Ҳа, Тошболта ўзбек миллий драматургиямиз учун янгилик ва у классик образлар қаторига кўтарилди десак муболаға бўлмайди.

АҚШда инглиз тилида нашр этилган журнал ўзининг 1962 йил, 20-сонида "Тошболта ошиқ" комедияси ва С. Хўжаевнинг ижрочилик санъатига юксак баҳо бериб, асарнинг ўта миллийлиги ва халқчиллигини алоҳида таъкидлаган. Дарҳақиқат бу фазилат аввало Тошболта образида ўзининг мукаммал ифодасини топди. Яъни унда ўзбек халқига мансуб миллий хислатлар, чунончи инсонга пок руҳ, тоза назар билан қараш, елкадошнинг қувончида ҳам, қайғусида ҳам ёнма-ён тайёр туриш, ортиқча бойликка интилмаслик, зеби-зийнатга берилмаслик, сабр-тоқатлик, одамсеварлик, хайрихоҳлик, саҳийлик, ҳалоллик, меҳнатга сидқидилдан берилишлик, ҳоксорлик, шунинг билан бирга инсоний ва миллий ғурурни сақлай олишлик каби фазилатлар мужассамлашган. Яна шуни ҳам таъкидлаш ўринлики, муаллиф ёши бир жойга бориб қолган, бироқ қалбида севги нури сўнмаган Тошболтанинг Рисолат парига бўлган беқиёс ва жўшқин муҳаббатини ҳам ниҳоятда усталик билан тасвирлаган. Иккала ажойиб инсоннинг бир-бирига нисбатан меҳри шарқона, ниҳоятда нафис муносабатлар воситасида берилган, чуқур ҳис-туйғулар билан суғорилган, қадимдан тикланиб келган одоб-ахлоқ, удумлар ёрқин аксини топган.

Миллийлик ва халқчиллик фақат "Тошболта ошиқ" пьесасига эмас, умуман Ҳамид Ғулом драматургиясига мансуб фазилат. Масалан, унинг "Ўғил уйлантириш" ёки "Ажаб савдолар" комедияларини олинг. Гарчи улар кундалик.маиший ҳаётимиздан олинган бўлса-да бироқ улардаги образларнинг феъл-атвори ва табиатида ўзбек халқига хос миллий характер ҳамда урф-одатлар, уларнинг ҳам ижобий, ҳам салбий томонлари ёрқин аксини топган.

Ҳамид Ғулом ижодига, жумладан драматургиясига хос яна бир хислат — воқеликни, ундаги ҳодисалар ва одамлар сиймосини акс эттиришда ҳаёт ҳақиқатидан, мантиқидан келиб чиқиб, уларни бадиий умумлашмалар даражасига кўтаришдир. Шу боис унинг саҳна асарларида уйдирма сунъийлик, ёки ҳақиқатни бўрттириб, бўяб кўрсатиш ҳоллари учрамайди. Бу фақат замондошлар ҳаётидан олинган пьесаларда эмас, узоқ ва яқин ўтмишни ҳикоя қилувчи саҳна асарларида ҳам кўринади. Масалан, яқингача аксарият пьесаларда ўтмишдаги ҳукмдорлар босқинчи, золим, ахлоқан тубан, хуллас салбий тарзда кўрсатилган. Шубҳасиз, тарихда шундайлари ҳам учраган. Бироқ адолатпарвар, инсонпарвар ва эзгулик йўлида ўз халқига хизмат қилганлари ҳам шу қаторга қўйилди. Ҳамид Ғулом эса бу масалани ҳал этишда тарих ҳақиқати нуқтаи назаридан ёндошган. У "Муҳаббат навоси" асарида Хўтан ҳукмдори Абдурашидхон образини талқин этишда ўша узоқ ўтмиш, яъни XVI аср замонидан келиб чиққан, ҳаёт ҳақиқатига таянган. Гарчи асар Нафисий ҳақида бўлса ҳам, Абдурашидхон образининг тарихан тўғри ва ўзгача акс эттирилиши — драманинг маънавий-бадиий йўналишини, мазмунан қизиқарли тузилишини белгилаган, ундаги ижтимоий зиддиятларнинг келиб чиқиш сабабларини мантиқан асослаган.

Ҳамид Ғулом драматургияси ҳақида айтилган барча фикрлар унинг яқиндагина ёзиб тугатган янги саҳна асари —"Тошболта тижоратчи" комедиясида ҳам ўзининг мужассам ифодасини топган. Асарнинг номиданоқ, у қайси давр ва нима ҳақида, бош қаҳрамон ким ва қандай воқеалар содир бўлиши мумкинлигини кўз олдимизга келтириш қийин эмас...

Хуллас, Ҳамид Ғулом ўзининг ажойиб саҳна асарларида долзарб мавзуларни кўтариб, янги-янги образларни яратиб, қизиқарли воқеаларни ҳикоя қилиб драматургиямизни бойитди, театр санъатимизнинг ривожига катта ҳисса қўшди, замондошимизга маънавий озуқа ва эстетик завқ бағишлади.

Ҳозир Ҳамид аканинг ижодий камолотга етган палласи. Ҳурматли адибимизни айём кунлари билан сидқидилдан муборакбод этиб, у кишига саломатлик ва узоқ умр тилаймиз, бундан кейин ҳам халқимизни янги бадиий етук асарлар, жумладан пьесалар билан хушнуд қилишига умидвормиз.

**Ф. ЖЎРАЕВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби.**

## УЙҒУР ШЕЪРИЯТИНИНГ МАЛИКАСИ



Шоира, мақомшунос олима-фозила ва маданият арбоби Омониссохоним Нафисий Уйғуристон халқлари тарихида бениҳоя юқори ўрин тутади.

Омониссо 1534 йили Саъдий хонлигининг пойтахти Ёркаид шаҳрига тобеъ Дулон (ҳозирги Макит) ноҳиясининг Тизноб дарёси этагидаги Шохтото маҳалласида, уйғур мусиқа фолклорининг билимдони, аслида ўтинчи Маҳмуд оиласида таваллуд топди. Дастлаб маҳаллий диний мактабда ўқиб саводини чиқарди. Риёзат, ҳандаса фанлари қатори мусиқа илми соҳасида ҳам яхши маълумотга эга бўлди. Натижада бутун вужуди ила санъатга ихлос қўйди. Отасидан танбур, дутор, сетор чалишни ўрганди, уйғур классик ашулаларини, айниқса уйғур мақомларини маҳорат билан куйлай бошлади. Ўн тўрт ёшида шарқ шеъриятининг даҳолари — Фузулий, Жомий, Навоий, Отоий, Саккокий ва бошқалар ижодидан баҳраманд бўлди. Буюк мутафаккирлар ижодини берилиб ўрганиб, уларнинг ғазалларини танлаб, уйғур ўн икки мақомининг бадиий матнини тўлдиришга киришди. Бу жараён унинг тафаккур дунёсини кенгайтириб, ижодий ниятларига қанот бағишлади. Ғазаллар, рубоийлар, муҳаммаслар битиб, Нафисий тахаллуси билан истеъдодли шоира сифатида танилди ва мусаввир, мусиқачи, хушовоз қироатхон бўлиб етишди.

Омониссохоним ғазаллари ўша давр Ёрканд адабий муҳитини соғломлаштиришда алоҳида аҳамият касб этди. Чақмоқдек чақнаб, азим ўлка осмонини ёритган шоира шеърияти, уйғур ўн икки мақомини тўплаш, аслига келтириш йўлидаги тадқиқотлари ҳақида машҳур тарихнавис Мирзо Ҳайдар Дуғлотийнинг "Тарихий Рашидий", Мирзо Маҳмуд Журоснинг "Тарихий Рашидий-Зайли", Мулло Исматулло бин Мулла Неъматулло Мўжизининг "Тарихий Мусиқиюн" асарларида кенг маълумот берилади. Саъдий хонлиги ҳокимиятини мустаҳкамлаш йўлида кўрсатган маҳобатли ҳамда хайрли ишлари, Абдурашид хонлиги салтанати ҳақидаги фикр-мулоҳазалари тарих саҳифаларига қайд этилгандир.

Омониссо Нафисий ҳаётининг иккинчи даври шоҳ Абдурашидхоннинг ҳарамида ўтди. У султон ўрдасида хон салтанатининг барча ишларида иштирок этар экан, илм-маърифат бўйича шоҳнинг вазири, адабиёт-санъат аҳлининг сарвари сифатида йигирма йил ижод билан, қайноқ иш билан машғул бўлди. Шоиру-шоиралар, олиму-алломалар, бастакору-мақомчилар, хаттотлару-машоихларни ўрдага тўплаб, адабиёт-санъатни, маданият-маърифатни ривожлантириш йўлида бутун имконият ва қобилиятини ишга солди. Машҳур мақомшунос олим, шоир Қидирхон Ёркандий билан биргаликда уйғур ўн икки мақомини тўплаш, тартибга солиш, бир бутунлигини таъминлаш — аслият асосида тиклашда чуқур билим, заковатини сарфлади.

Туркийзабон шоира Омониссо Нафисий "Тарки ватан бўлмоғил, айлагил сайри жаҳон" сатри билан бошланган равон, ўйноқи ғазалида маърифатни улуғлаб, ватанпарварлик туйғусини тараннум этади:

**Тарки ватан бўлмоғил, айлагил сайри жаҳон,**
**Бу жаҳон яхши-ёмонға бўлғуси чўнг имтиҳон.**
**Маърифат иқлимининг султонидир кашфиёт,**
**Элга қилсанг муҳаббат ажроси бўлғай аён.**
**Бўлса шайдо кимки элга, қилмаса ишга хилоб,**
**Чашма ҳосил ажридан бўлғуси оби равон.**
**Жону-жаҳон яйрағай нағмаий мақом ила,**
**Машрабидан бўлғуси паришонлар шодумон.**
**Булбулға гул хуштордир, гул интизор навоға,**
**Бўстон файз берарму мақомсизга бир дармон.**
**Маърифатдир равнақи боғу-чаман билсангиз,**
**Эл ишқининг чироғи айни мақом бу замон.**
**То азалдан бу ватан вужуди олам кўзидир,**
**Ҳар балони рад этиб, ошиқ Омон, эл омон.**

Уйғуристон халқларининг туб ижтимоий-иқтисодий, миллий ва маънавий манфаатларини, шону-шавкатини ҳимоя қилиш, миллий, ижтимоий ва маданий бир бутунлигини сақлаб қолиш йўлидаги фаолияти шоира ижодида ўз аксини намоён этди. У маҳзун байтларининг бирида шундай куйлайди:

**Олиб нур тонг булоғидан, илм-фан гуллари яшнаб,**
**Юрак илҳом ила сукди, бахт чўлпонлари чақнаб.**

Уйғуристонда Омониссо Нафисий орқали юз минглаб, миллионлаб кишилар адабий маърифатдан баҳраманд бўлди ва бўлмоқда.

Уйғур адабиёти тарихида энг истеъдодли шоира, нозиктаъб санъатшунос Омониссо Нафисий номи энг мўътабар номдир. Бу номда уйғур шеърияти бутун камолияти билан нур сочиб туради. Шу сабабдан унга Уйғуристон халқининг муҳаббати чексиз ва абадийдир.

**ОСИМ БОҚИЙ ўғли,**
**филология фанлари номзоди.**

*• Дам олиш бекати*

## ФРАНЦУЗ ХАНДАЛАРИ

Актёр театр директори ҳузурига кирди.

— Менга аванс берсангиз.

— Кечкурунги томошадан кейин ўйлаб кўрамиз.

— Аммо кутиб туролмайман. Тўрт кундан бери соқолимни олмадим. Сартарошга боришга чақам ҳам йўқ.

— Авф этасиз, иложим йўқ.

— Бўлмасам, бундай соқол билан Ромео ролини ўйнай олмайман! Директор бироз ўйланиб турди-да, қарор қилди:

— Режиссер! Эълонни ўзгартиринг. Кечқурун "Кўк соқол" қўйилади.

***

Директор бюро бошлиғидан сўради:

— Янги хизматчи нима иш билан шуғулланди?

— Пашшаларни санади.

— Шуми, холос!

— Йўқ жаноб, улардан бирини ўлдирди ҳам.

***

Рақиблардан бири ва гувоҳлар белгиланган жойда ҳозир бўлдилар. Дуэлист соатига қаради ва деди:

— Агар 5 минутда рақибингиз келмаса, усиз бошлайман.

***

— Нима учун машинани ўғирладингиз? — сўради судья.

— Эгаси йўқ деб ўйлабман.

— Нимага?

— Чунки машина қабристоннинг олдида турган экан.

***

— Меҳмонхонангизда бир ой яшаш қанчага тушади?

— Бироз сабр қилинг. Ҳозир ҳисоблайман...

— Нимани? Оғзаки билмайсизми?

— Йўқ... Ҳали ҳеч ким бир ой турган эмас,

***

Бир киши Сена дарёси бўйига ўтириб олиб, балиқ овларди. Бир дўсти ўтиб кетаётиб унга деди:

— Ов ёпилган!

— А! Яхши! Шунинг учун ҳеч нарса илинмаётган экан-да.

***

Бир автордан сўрадилар:

— Сизнинг охирги пьесангиз комедиями?

— Ҳа, муваффақиятли чиқса комедия, муваффақиятсизликка учраса, трагедия.

***

Бир қиз кучугини етаклаб, сайр қилиб юрарди. Бир жаноб қизга юзланди:

— Яхши қиз, қандай ажойиб кучугингиз бор экан. Олдига яқинлашсам бўладими?

— Албатта, бўлмаса қандай қилиб тишлайди?

***

Бир бола телевизор ҳаваскори эди. Ойиси шамоллаб қолди.

Дадаси ишдан келгач, ўғлидан сўради:

— Ойингнинг соғлиғи қалай?

— Кўриниши яхши, лекин овозини созлаш керак.

**Французчадан Ҳусниддин ҚУННАЛИЕВ таржимаси.**

**Муҳаррир ўринбосари**
**Р. УМАРОВ**

*• Шоир Сайёр — "Тошкент ҳақиқати" меҳмони*

## ЎЗИМ ҲАҚДА ЎЗИМ ЎЙ СУРДИМ...

Шоир ва адиб Сайёр 1934 йилда Тошкент шаҳрида, деҳқон ва боғбон Иноят Файзуллоҳ ўғли хонадонида таваллуд топди. 1957-62 йилларда Москвада, жаҳон адабиёти олийгоҳида таҳсил кўрди. Ўша йиллардан бошлаб Сайёрнинг шеърлари, ҳикоялари, қиссалари матбуотда мунтазам чиқиб туради. Ўнлаб китоблар муаллифи.

Хўш, кутлуғ 60 ёшга қадам қўйган шоир ҳозир кўпроқ нималар ҳақида ёзмоқда? Буни билишни истаган мухлислар эътиборига шоирнинг янги шеърларидан намуналар ҳавола этиб, унинг ижодий изланишларига муваффақиятлар тилаб қоламиз.

### ТОМЧИ

Томчи — қумга сингганин кўрдим,
Томчи изсиз кетганча кетди.
Ўша-ўша эди қум бети,
Ўзим ҳақда ўзим ўй сурдим:
Ҳатто мева бермас ҳар навда,
Ҳатто мева бермас ҳар дарахт.
Ўқинг хато кетмасин овда,
Ушалсин деб интилган ҳар аҳд!
Из тўшагин ҳаётда лойиқ,
Фарзанд қолдир элга муносиб,
Шунда номинг яшар кун ошиб,
Ёдда тутар сени халойиқ!
Эллар билан сен эл бўлиб қол,
Тиш синдирмас ҳалол ош тоши.
Ўгитларим қулоғингга ол,
Ҳаммасининг меҳнатдир боши!
Тегмасин сўз яна қамчиндай
Қонда ёнган у ўтим эди.
Кетма қумга синган томчидай
Ўз-ўзимга ўгитим эди...

### АДАШМАНГЛАР

Адашади пешонам шўр, деганлар,
Адашади хаёлим ғўр, деганлар.
Адашади, мен ҳам шундоқ адашдим,
Адашади тақдирим кўр, деганлар.
Халқим дейди: сендан бўлсин ҳаракат,
Ҳаракатинг келтиради баракат.
Инсоф билан, иймон билан яшасанг,
Данак чақсанг, чиқаверар ялакат!
Тақдирингни ўзинг ярат, ён берма,
Ҳақталаб бўл, осонликча жон берма.
Ўт оч худбин, ўзим деган бахилга,
Дўстга таян, бош эг фақат ақлга!
Амалингда доим шуни кўзда тут,
Яхшилик қил, бошқалардан шуни кут.
Билки, умр асло зое ўтмасин,
Нажоткор бўл, таянади сенга юрт!
Мен адашдим, дўстларим адашмасин,
Ўзларини бебахт, деб аташмасин.
Ёрим, дея қалбига тўлиб зардоб,
Интиқ кўзин уфққа қадашмасин!
Адашади пешонам шўр, деганлар,
Адашади хаёлим ғўр, деганлар.
Адашади, мен ҳам қаттиқ адашдим,
Адашади тақдирим кўр, деганлар!

### МЕНГА ТЕГМАНГ

Ҳазил қилар гоҳо дўстларим:
— Иш тугаса уйга чопасан?
— Тузатаман каму-кўстларим,
Кўча санғиб нима топасан?!
— Гўзалликни томоша қилгин,
Камалакдек қизлар товланар.
Турфа гуллар борлигин билгин,
Шеър ёзиб сўнг, кўнглинг овланар.
— Адашмайман асло йўлимдан,
Бир инсонга бир ёр етади.
Бебурдлик ҳеч келмас қўлимдан,
Йўлда вақтим бекор кетади.
Сиз измимга қилмангиз шаъма,
Таниганман обдон ҳуқуқим.
Шериклик ош қилмайман таъма,
Бу борада муқимман, муқим!
Дўстлар, бари ўз уйимда бор,
Уйим, десин қизми, йигитдир.
Бир мен эмас элда вафодор,
Аммо менинг мучалим итдир!
Ёрим билан чорланг, марҳамат,
Суҳбатларга доим тайёрман.
Менга тегманг, кўрсатинг ҳиммат,
Кўнглим эмас, ўзим Сайёрман!

### УМИД ҚИЛСАМ...

Умид қилсам, дейман...
Умид — яхшидир!
Умид — ҳаётимнинг кўрки, нақшидир!
Ошиқлар умидни юксак қўйганлар...
...Гоҳда умид учун кўзни ўйганлар...
Сен мени деган кун қалбим — бахшидир!
Не бўлса, бўлмаса умид яхшидир!..
Чиройинг ишқида, о, у куйганлар,
Қўрқаман, йўлимни тўсиб қўйганлар!

**САЙЁР.**

*• Янги китоблар*

## ИСТЕЪДОДНИНГ ҚЎШ ҚАНОТИ

Ўзбек адабиётининг 70-80-йиллар босқичида фаол ижод қилган ёзувчилардан бири истеъдодли адиб Ўлмас Умарбековдир. Ў. Умарбеков ҳаёти ва ижоди тўғрисида Абдулла Қаҳҳор, Ойбек, Саид Аҳмад айрим адабий-танқидий лавҳалар битиб, талантли ижодкор фаолиятига катта баҳо берганлар. Адабиётшунос олиму, адабий танқидчилардан Лазиз Қаюмов, Озод Шарофиддинов, Умарали Норматов ва бошқалар ҳам адибнинг алоҳида асарлари ҳақида қизиқарли мақолалар эълон қилганлар.

Айтиш лозимки, ҳар бир истеъдоднинг ўз тадқиқотчиси, унинг ижодини чуқур ва атрофлича таҳлил қилувчи адабий танқидчиси бўлади. Кузатишимизча, таниқли адабиётшунос Собир Мирвалиев бу адиб ҳақида кўп йиллардан буён илмий-тадқиқий таҳлил билан шуғулланади. Шу узоқ муддатли адабий кузатишларнинг ижодий-илмий маҳсули сифатида олимнинг Ўлмас Умарбеков ҳақидаги "Истеъдоднинг қўш қаноти" номли адабий портрети "Ёзувчи" нашриёти томонидан чоп этилиб, китобхонлар қўлига етказилди.

Бизга маълумки, адабий портрет, айниқса ихчам адабий портрет яратиш борасида С. Мирвалиевнинг яхши тажрибаси бор. Унинг "Ўзбек адиблари" китоби фикримизнинг далилидир. "Истеъдоднинг қўш қаноти" ўртача ҳажмли адабий портрет бўлиб, ўқиган кишисини зериктириб қўймайди. Содда, самимий руҳда битилган тадқиқот тарихийлик принципи асосида адиб ҳаёти ва ижодини бир бошдан босқичма-босқич таҳлил этишга қаратилган. Ҳар икки маънода истеъдоднинг туғилиши ҳақида фикр юритаркан, тадқиқотчи Ўлмас Умарбековнинг нима сабабдан айнан ёзувчи бўлганлигини қизиқарли мисоллар воситасида ҳикоя қилади. "Ҳикоянавис санъати" бобида ёш адибнинг тилга тушган "Бобоёнғоқ" ҳикоясидан тортиб, гўзал лирик насрий шеърлар — "Болгар қўшиқлари"гача босиб ўтилган маҳорат кўчасидаги излари тадқиқ остига олинади. Ҳикоячилик санъатида Ўлмас Умарбековнинг ўзига хос ижодий йўли баён қилинади.

Ўлмас Умарбеков ҳикоячиликда адабиётга қадам қўйиб, катта-кичикка танилган бўлса, кейинроқ қиссачилик санъатида ўзини кўрсатиб, эл орасида, айниқса, ёшлар ўртасида кенг шуҳрат топди. Унинг кетма-кет эълон қилинган "Чўли ироқ", "Кимнинг ташвиши йўқ", "Жўра қишлоқ", "Уруш фарзанди" сингари қиссалари кўпчиликнинг меҳрини қозонди. Булар орасида адибнинг "Севгим, севгилим" қиссаси барчанинг оғзига тушди. Тадқиқотчи С. Мирвалиев адиб қиссаларини таҳлил остига оларкан. уларнинг ҳар бирига алоҳида калит топиб, "олтин сандиқларини жаранглатиб" очишга ҳаракат қилади. Айни пайтда Ў. Умарбеков қиссачилигига хос бўлган хусусиятларни умумлаштиради, улардан хулосалар чиқаради.

Танқидчи С. Мирвалиев ўз китобини "Истеъдоднинг қўш қаноти" деб атаганида ёзувчи Ўлмас Умарбековнинг икки қаноти ҳисобланган насри-ю, драматургиясини кўзда тутган бўлса ажабмас. Адабиётшунос айниқса адибнинг кўп баҳс-мунозараларга сабаб бўлган "Одам бўлиш қийин" романини атрофлича тадқиқ остига оларкан, 70-йиллар ва роман яратилган, эълон қилинган кунларда ўқувчилар, ёзувчилар, адабий танқидчилар ўртасидаги тортишув-талашувларга муносабат билдиради. Уларга маълум вақт кўпригидан берида туриб, босиқ эҳтиром билан холис баҳо беради. "Одам бўлиш қийин"нинг ахлоқий-маънавий таъсир кучини ўзбекнинг анъанавий тарбия ва дидактикаси билан боғлайди.

"Виждон олдидаги бурч" боби китобнинг драматик асарлар таҳлилига бағишланган қисмидир. Бу ўринда тадқиқотчи халқимизга яхши таниш бўлган ёзувчининг "Қиёмат қарз", "Комиссия", "Шошма қуёш", "Аризасига кўра" каби пьесаларини тадқиқ қилиб, бу асарлардаги чинакам драматик образларнинг яратилиш маҳоратига адабий-танқидий баҳо беради. Тадқиқотчи бу бобда айниқса: "Қиёмат қарз" драмасида кўтарилган маънавий ахлоқий муаммоларни чуқур ва атрофлича ўрганишга интилади. Инсон ва жамият, одамлар орасидаги ўзаро инсоний муносабатлар, ахлоқий камолот ва инқироз масалаларига ўз муносабатини билдиради. Ў. Умарбеков драматик асарлари мисолида умуман ўзбек драматургиясининг 70-80-йиллардаги тараққиёт йўлига холис баҳо беради. "Кузнинг биринчи куни", "Суд", "Курорт" пьесалари мисолида замондошларимиз образи, уларнинг маънавий ахлоқий қиёфалари, орзу-интилишлари танқидчи томонидан очиб берилади. Ёзувчи маҳорати, драматург санъати таҳлил ва тадқиқ қилинади.

Бугунги кунда қутлуғ 60 ёшни кутиб олаётган Ўлмас Умарбеков бу ёшга қадар ўз халқининг меҳр-муҳаббатини қозонган, унга сидқидилдан адабий хизмат қилиб, халқ камолида, ёшлар тарбиясида ўзининг самимий, камтарин ҳиссасини қўшган. Биз ҳам қўш қанотли истеъдод эгаси Ўлмас Умарбековга бундан кейинги ижодида ҳам янги довонлар ошишини истаб, бу йўлда сиҳат-саломатлик, тетик руҳ тилаймиз.

**Маҳмуд САТТОРОВ,**
**филология фанлари номзоди.**

*• Бир шингил ҳазил*

## ХУСУСИЙ ЭЪЛОНЛАР

"Марианнанинг пойқадами теккан сомондан бор. Уни еган оту-сигирлар, қўю-эчкилар чиройли, бири-биридан ширин тойчоғу-бузоқчалар, қўзичоғу-эчкичалар туғиб беради. Мексикадан олиб келиш учун кетган сарф-харажатларни айтмаса, ўзимизникидан ҳам арзон. Кундузлари Эски Жўвадан Соқивой хашакфуруш сўралсин. Ҳамма танийди".

***

"Кунига атиги ярим кило қўй гўшти (музлаганини емайди), бир коса янги соғилган сут, икки бўлак иликли, гўштдор суяк, битта оқ бухонка ёки патир нон (қатлама ҳам бўлаверади) истеъмол қиладиган "Йўлбарс" лақабли оқ-қора тусли, пахмоқ юнгли лайча сотилади. Ҳар куни икки маҳал чўмилтириб турсангиз (кечқурун ётиш олдидан дус сепиб туриш ёддан чиқмасин), бургаларидан асар ҳам қолмайди. Бир оёғи бироз оқсоқлигини, чап кўзи ожизлигини айтмаса, ўзи жуда одобли, ақлли. Дастурхон атрофида ўзини яхши тутади, фақат пичоқсанчқи билан овқатланади. Тожибой сўралсин. Телефон".

***

"Чет элдан келтирилган импортний дорилар бор. Шприц ҳам истаган миқдорда сотилади. Кундуз кунлари дорихонадан сўралсин. Йўқ дейишгач бозорга келиб Розия ким деб сўралсин. Телефон".

***

"Масъулияти, талаб ва шошилинч ишлари бўлмаган корхонага ишга киришга тайёрман. Мутахассислигим бўйича олий тоифали қоровул бўлганим учун тавсия қилинадиган ишга қоровулликни ҳам қўшиб беришлари мумкин. Боқибой Бақоев сўралсин. Телефон".

**Зоир ТУРСУНОВ.**

**Тошкент вилояти ҳокимлиги маҳкамасининг жамоаси ҳокимликнинг масъул ходими Б. Р. Алижоновга падари бузруквори Рисбек АЛИЖОНОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.**

Тошкент ҳақиқати
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

БИЗНИНГ МАНЗИЛ: 700000, Тошкент, ГСП, Матбуотчилар кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОН: хатлар ва оммавий ишлар бўлими - 334-048

Руйхатдан ўтиш тартиби N 8. Буюртма Г—893. 20970 нусхада босилди, ҳажми — 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А—2

• Эълон ва билдирувлар кечиктирилмай чоп этилиши кафолатланади.
• Факт ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар.
• Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти—20.30. Босишга топширилди 20.30. 1 2 3 4 5 6.